Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 233 (21. 099) 1991 йил 3 декабрь сешанба

Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари экологик ва табиий қийинчиликларга қарамай жорий йилни муваффақиятли якунлаш мақсадида халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантиришда катта ишлар амалга оширилганлиги йил якунида ўз аксини топяпти. Амударё райони бўйича, шунингдек, Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли, Шуманай районларидаги бир қатор хўжаликлар пахта тайёрлаш режасини ошириб адо этдилар.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов икки кун Қорақалпоғистонда бўлиб, республика ҳаёти билан танишди. Ишчилар, хизматчилар, пахтакорлар, чорвадорлар билан суҳбатлашди. У Оролда ва Мўйноқда балиқ консерваси комбинати ишчилари, Жанубий Орол балиқчилари билан учрашди. Қоракўзан ўстирадиган саноат хўжалигини бориб кўрди. И. А. Каримов энергетиклар шаҳри —Тахиатошда ГРЭСни тезкорлик билан қайта тиклаш ва ишга туширишда фаол қатнашаётган қурувчилар билан учрашди ва суҳбатлашди.

Нукусда Санъат саройида Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод И. А. Каримов билан учрашув бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгаши раиси Д. Н. Шамшетов учрашувни очаркан президентликка номзоднинг ишончли вакили — Қорақалпоғистон Илмий тадқиқот клиника ва экспериментал медицина институти директори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Чаржоу Абдиревга сўз берди:

— Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон халқининг қадрли фарзанди ва давлат арбоби сифатида президентликка муносиб номзоддир, — деди у. — Зеро у олиб бораётган сиёсат ва амалга ошираётган ишлар халқимизнинг манфаатларига мос келаётир. Ишончли вакил И. А. Каримовнинг таржимаи ҳоли, унинг республика ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Учрашувда Шуманай районидаги Гагарин номли давлат хўжалиги директори Қорақалпоғистон халқ депутати У. Кўккўзов, Қорақалпоғистон педагогика олийгоҳи ректори Ж. Бозорбоев, Элликқалъа районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги раиси Қ. Бойназаров, «Оролводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон халқ депутати Ж. Қорабоев, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги раиси Т. Сержонов, Чоржўй темир йўл бўлими бошлиғининг ўринбосари Ж. Сатуллаев ва бошқалар ҳозирги иқтисодий оғир шароитда, бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда қишлоқ хўжалиги тармоқларини кескин равишда ривожлантиришнинг йўллари, истиқболлари, муаммолари ҳақида гапирдилар, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда амалга ошириладиган биринчи галдаги вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Орол фожиасини тугатишда, экологик аҳволни яхшилашда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар шу соҳаларда бажарилиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этишда Президентликка номзод И. А. Каримовдан, республика ҳукуматидан ёрдам беришни илтимос қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон президентлигига номзод И. А. Каримов республикамиз халқ хўжалигини ва меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий турмушини юксалтиришда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Учрашув сўнгида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Д. Н. Шамшетов республика меҳнаткашлари номидан И. А. Каримовга самимий миннатдорчилик билдириб, унинг Президентлик иш фаолиятида муваффақиятлар тилади ва Қорақалпоғистон халқи сайлов кунида номзодингиз учун яқдиллик билан овоз беради, деб таъкидлади.

Республика бўйлаб сафарда И. А. Каримовга Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Д. Н. Шамшетов, Вазирлар Кенгашининг раиси А. Х. Тожиев ҳамроҳлик қилдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ака-укалар, опа-сингиллар!
Муҳтарам биродарлар, ўртоқлар!
Ардоқли дўстларим, ватандошларим!

Жумҳуриятимиз жуда оғир ва мураккаб, шу билан бирга энг масъулиятли ва шарафли даврни бошдан кечирмоқда.

Шарафли давр деганимнинг маъноси шуки, биз она-Ватанимизни мустақил деб эълон қилдик.

Мустақиллик дегани биз учун энг аввало:

— она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз, авваламбор республикамизда яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз.

— Миллий демократик давлат тузумини халқимизнинг мустақил иродаси билан ташкил этиш. Ўзбекистон тупроғида яшайдиган ҳар бир инсон учун, унинг миллати, эътиқодига қарамасдан муносиб ҳаёт яратиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

— Халқимизнинг ,эл-юртимизнинг келажагини мустақил белгилаш, бўлғуси авлодларга тўкис тақдирлар яратиш ва хориж билан, у ёқдаги ватандошлар билан ҳеч қандай воситачиларсиз муносабат ўрнатиш демакдир.

Даврнинг мураккаблиги эса ана шу улуғ мақсадлар — ҳақиқий мустақиллик йўлида турган катта қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу йўлда мушкул ва машаққатли синовлардан ўтиш учун катта мардлик ва фидойилик, сабр ва қаноат керак. Ҳеч ким, ҳеч қачон ўз хоҳиши билан бировга эрк берган эмас. Шу нарсани ҳаммамиз тушуниб олсак, бир жон, бир тан бўлиб курашсак, халқимизнинг азалий орзусини амалга оширсак — марра бизники.

Ўзбекистон ери, бойликлари нафақат ўзимизни, замондошларимизни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналмилал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиш ва уларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун бемалол етиб ортади.

Бу чексиз имкониятларни ишга солиш учун одамларимизга — ишчиларга, деҳқонларга, хизматчиларга, зиёлиларга, меҳнат жамоаларига, хуллас, ҳар бир шахсга шундай шарт-шароит ва эркликлар яратиб бериш керак ки, улар аввало ўз манфаатлари йўлида ва айни замонда жамият равнақи, давлат барқарорлиги йўлида меҳнат қилсинлар.

Демак, ҳаётнинг ўзи жамиятимизни озодлик, демократия ва ошкоралик асосида бошқаришни тақозо этади.

Ишни республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошламоғимиз керак.

Халқимизнинг ўтмишини чин маънода эслаш, қадр-қимматига етиш, урф-одатларини, удумларини, ўтган не-не зотларнинг муборак номларини тиклаш ва уларнинг иззат-ҳурматини бажо келтириш сизу бизга насиб этганидан фахрланишимиз керак.

Бугун биз Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини буюк халқнинг муносиб фарзанди эканини тўла-тўкис англашга ва шу юксак туйғуга яраша амалий ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Бошқа миллатларнинг эзгу орзуларини ҳурмат қилган ва тан олган ҳолда ўз миллий ғуруримизни юксак даражага кўтариб, олдимизда турган олижаноб ниятларимизга эришмоғимиз мумкин.

Мақсадимиз — одамларнинг кўнглини кўтариб, илму фанимизни, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга қайтадан олиб чиқишдир.

Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш **имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат** каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устивор қилайлик.

Бу ажойиб фазилатлар тўғрисида сўз кетар экан, авваламбор диндорлар, дин пешволари билан яқиндан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз зарур. Инсон руҳи покланишида, ахлоқий тарбия, эл-юртимизда тинчлик, осойишталик ва миллатлар тотувлигини сақлашда дин аҳли хизматига тан беришимиз лозим.

Бугунги Ўзбекистон — суверен, ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқини, туб манфаатларини таъминлайдиган, ташқи ва ички сиёсатни мустақил олиб бораётган давлатдир.

Бу— биз ўз қобиғимизга ўралиб қоламиз деган гап эмас. Тенглик ва манфаатдорлик асосида бошқа суверен ва мустақил давлатлар билан — Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва бошқа минтақалар билан алоқани мустаҳкам қилган ҳолда иш юритишмиз керак.

Мана шунда ягона иқтисодий макон юзага келади, мустақил давлатлар ўртасида ҳалол муносабатлар ўрнатилади.

Шу билан бир қаторда биз хорижий мамлакатлар билан ҳам Ўзбекистоннинг манфаатини кўзлаб, ҳар томонлама: сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

Эндиги долзарб вазифа — миллатлар ҳамдўстлигига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришдир.

Чет эллардаги сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам Ўзбекистоннинг қай даражада иқтисодий ва маънавий салмоғи борлигини англай бошладилар. Бизнинг мустақил давлатимизни расман тан олиш ва у билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш жараёни бошланди.

Ҳозирги иқтисодий вазият, қимматчилик, тақчиллик, нарх-наво ўсиб бораётгани, моддий таъминотнинг эса кун сайин пасайиб кетаётгани, шу сабабли чайқовчилик, қонунбузарлик ва жиноятчилик кўпаяётгани халқимизни ташвишга солмоқда. Бундай аҳвол бутун мамлакатда мавжуд бўлиб, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Эски маъмурий буйруқбозлик ҳокимиятининг емирилиб кетиши, марказнинг вазиятни идора этолмай қолгани, бошқача қилиб айтганда, янги иморатнинг пойдевори қурилмасдан, эскисининг бутунлай қулатиб юборилгани — бунга асосий сабаблардан бўлди.

Аҳволни кескинлаштираётган сабаблардан яна бири — Иттифоқни бошқарган ва ундан олдин Россия империясини бошқарган кимсалар олиб борган сиёсат оқибатида бугун Ўзбекистон арзон хом ашё манбаига айлангани, ўз фуқароларини тайёр маҳсулот — биринчи навбатда, кенг истеъмол моллари билан таъминлашда заиф бўлиб қолгани.

Хом ашё чиқарган ва хом ашё сотган элнинг косаси оқармайди. Бу — оддий ҳақиқат. Мана шунинг учун ҳам бизнинг бугунги асосий вазифамиз — қаддимизни ростлаб, бутун имкониятларимиз ва резервларимизни тўғри ҳисоблаб чиқиб, келажак йўлларимизни тўғри тушуниб ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритишдир.

Биринчи навбатда тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хом ашёмизни ва минтақамизда мавжуд иш кучларини ўз тупроғимизда, ўз эл-юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиш лозим.

Шу йўлда илғор замонавий технологияларни чет элдан олиб келиб қишлоқ жойларида ва ишчи кучи ортиқча бўлган районларда ихчам корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвестицияларини манфаатли тарзда республикага жалб этиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиққан тадбиркор—ишбилармонларга кенг имконият яратиб бериш, ташқи бозорга чиқиш ва ички бозорни товарлар билан бойитиш зарур.

Мулкчиликнинг барча турларига йўл очиш, айниқса, хусусий мулкчиликнинг ва колхоз—кооператив мулкчилиги шаклини замон талабларига мос тарзда кучайтириш керак.

Бу сиёсатни амалда татбиқ қилишда, авваламбор, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг ривожи, энг муҳими, қишлоқ жойларда яшайдиган халқимизнинг манфаатлари устун бўлиши лозим.

Нега деганда, юртни боқадиган ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини хом ашё билан таъминлайдиган — деҳқон аҳлидир. Бошқа халқ хўжалиги тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган, меҳнат қилаётган кишиларга кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар берилиши шарт.

Деҳқон аҳли бизни асло доғда қолдирмайди. Биримизни албатта юз қилиб қайтаради.

Бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтиш даврининг қийинчиликларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шундай бир оғир шароитда аҳолининг иқтисодий заиф табақаларини ҳимоя қилиш —давлат раҳбарлари, хусусан, Республика Президентининг диққат-марказида бўлмоғи керак.

Қийинчиликлардан кам даромадли кишиларни соғ-омон олиб ўтиш, уларга ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш, турли нафақа ва бошқа иқтисодий енгилликлар миқдорини ошириш — энг савобли мақсаддир.

Пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш, одамларнинг ойлигини ошириш, нарх-навони жиловлаб туриш — бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлмоғи шарт.

Албатта, ишнинг кўзини билган одамлар меҳнатига яраша ҳақ олиши зарур. Бунга ҳаммамиз тан беришимиз керак. Лекин айни замонда жамиятимизни иккита қарама-қарши қисмларга — ўта бойлар ва ўта ғариб-камбағаллар тоифасига ажратиб қўймаслик керак. Ҳукумат ва Президент кўрадиган асосий ҳимоя чоралари, энг аввало, **ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари** манфаатларига хизмат қилади. Агар бировларнинг чексиз бойишига йўл очиб бериб, бошқаларнинг гадоларча ҳаёт кечиришига чидаб қараб турса, бундай давлатнинг ҳам, бундай салтанатнинг ҳам умуман ҳеч кимга кераги йўқ.

Ўзбекистон диёрида яшаётган миллионлаб оилалар бадавлат бўлмасдан туриб давлатимиз бой бўлолмайди — бизнинг шиоримиз шу. Бундай сиёсат жамиятимизнинг етакчи сиёсати бўлиб қолади.

Иқтисодий мустақиллик дастурининг яна бир муҳим жиҳати борки, бу — ёшларга эътибор. Афсуски яқин-яқин даврларгача ёшларга нисбатан ишончсизлик мавжуд эди. Биз бу иллатни тугатишга киришдик. Савдо-тижоратда, иқтисодиёт ва гуманитар соҳаларда орттирилган билим ва тажрибаларни ўрганиш учун ёш олимлар ва мутахассисларни чет элларга юбориш кенг кўламда жорий қилинди.

Бизга юксак маърифатли, энг мураккаб ускуналарни бошқара оладиган малакали, замонавий ишчилар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Инсон тинч ва бехавотир яшаётганида тинчлик-тотувликнинг қадрига етмаслиги ҳам мумкин. Кейинги икки-уч йиллик ҳаётимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир тинч ўтган кунимизнинг ўзи катта бир давлат экан. Фарғона ва Ўш воқеаларини эслаб кўрайлик. Ўша фожиали ва қайғули кунларни ёдга олсак, бугунги тинчлигимизнинг ҳар бир дақиқаси нақадар қадрли экани очиқ-ойдин намоён бўлади.

Ўзбекистонда яшаётган кимки бўлмасин, ҳар қайси оиланинг, ҳар бир фуқаронинг, меҳрибон оналаримиз ва мунис аёлларимизнинг, гулдек болаларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тотувлиги учун бутун борлиғимизни бахш этсак ҳам арзийди.

Халқимизнинг ажойиб гапи бор: бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади. «Барака» деган сўзнинг маъносини, моҳиятини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилсак савоб бўлади.

Халқ хотиржамлиги, эл-юрт осойишталиги — сизу бизнинг қўлимизда.

Агар аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, улуғ мақсадларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарсак, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъи назар, улуғ мақсадимиз — ҳақиқий мустақилликка эришмоғимиз муқаррар.

Юртимизда тинчлик ва аҳиллик барқарор бўлсин.

Барча эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказиш, саккизинчи сессия якунларини чиқариш ҳамда Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ва республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедовнинг ахбороти эшитилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг ижроия комитетларига сайлов кампаниясига ва референдумнинг барча тадбирларига тайёргарлик ишларини кучайтириш, бунда қонун талаблари сўзсиз бажарилишига эришиш таклиф этилди. Барча оммавий ахборот воситаларига сайлов кампаниясининг боришини ёритишда рўйхатга олинган президентликка номзодлар учун тенг шарт-шароит яратишни таъминлаш топширилди. Референдумга қўйилган масаланинг моҳияти, овоз бериш ҳамда қонунда кўзда тутилган тадбирларни ўтказиш тартибини кенг тушунтириш зарурлиги таъкидланди.

Олий Кенгаш Котибиятига Президент сайлови ва референдумни ўтказиш чоғида хорижий мамлакатлар ва мустақил республикалардан кузатувчиларни таклиф этишни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши саккизинчи сессиясининг якунлари ҳамда унда айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Бу таклифлар ва мулоҳазаларнинг тасдиқланган рўйхати аниқ-равшан чоралар кўриш учун тегишли республика ижроия органларига, Олий Кенгаш комитетлари ва комиссияларига юборилди.

Олий Кенгашнинг навбатдаги тўққизинчи сессиясига ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ва бу ишга халқ депутатларини фаол жалб этиш мақсадида Раёсат мазкур сессияга қўйиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш режасини тасдиқлади, умуман сессияга тайёргарликни мувофиқлаштириш учун, шунингдек Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Савдо вазирлиги ҳисоботларини ва Ўзбекбирлашув ахборотини тайёрлаш учун депутатларнинг бир қанча ишчи гуруҳларини тузди.

Раёсат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қўллаб-қувватлаган таклифини кўриб чиқди ва давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларини тугатиш ёки уларни қайта ташкил этиш муносабати билан ишдан бўшаб қолаётган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Бир қанча бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

УРГАНЧ, 2 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов Хоразм вилоятига келди.

Урганчда, Огаҳий номли вилоят театрида Ўзбекистон жумҳурияти Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашуви бўлди. И. Каримов йиғилганларни мустақил Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш истиқболлари билан, яқин йилларда жумҳурият меҳнаткашлари олдида турган вазифалар билан таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан кишилар 29 декабрь куни жумҳурият Президенти сайлови кунида И. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга яқдиллик билан қарор қилдилар.

И. Каримовнинг Хоразм вилояти бўйлаб сафарида Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Хоразм вилоят Кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова, Хоразм вилоят ижроия комитетининг раиси А. Искандаров ҳамроҳлик қилдилар.

ЭРОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМАРҚАНДДА

Ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти бошчилигида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Эрон Ислом жумҳуриятининг ҳукумат делегацияси 30 ноябрь куни Самарқандга борди.

Самарқанд аэропортида Али Акбар Вилояти ва у билан бирга келган кишиларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси Т. Р. Қиличев, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитетининг раиси Э. Н. Ҳўжаев кутиб олдилар.

Меҳмонлар кўҳна Самарқандниг ноёб тарихий-меъморий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Челак районидаги Имом Исмоил Ал—Бухорий мачитини зиёрат қилдилар. Делегация аъзоларида «Панжоб» деб аталган Эрон миллий-маданий маркази катта таассурот қолдирди.

Шу куни Эрон Ислом жумҳурияти ҳукумат делегацияси Самарқанддан Ашхободга жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга мукофот топширмоқда.

Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

29 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жумҳурият фан, адабиёт ва санъат ходимларининг бир гуруҳига тантанали вазиятда СССР ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини топ[illegible].

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла **Ориповга** Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Ёзувчилар Худойберди **Тўхтабоев, Ўлмас Умарбеков** ҳамда Шукур **Холмирзаевларга** Ўзбекистон халқ ёзувчиси гувоҳномалари ва кўкракка тақиладиган нишонлари топширилди. Улар адабиётимизни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлган эдилар.

Тошкент давлат дорилфунунининг илм-фанни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ олимларига Халқлар дўстлиги, Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат орденлари ҳамда «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари топширилди.

Хушовоз хонанда Ортиқ **Отажоновга** Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси ҳайъатининг раиси Баҳодир **Жалолов** ва рассом Зокир **Иноғомовга** Ўзбекистон халқ рассоми фахрий унвони гувоҳномалари ва кўкракка тақиладиган нишонлари топширилди.

Мукофотланганлар меҳнатларига юқори баҳо берилгани учун миннатдорчилик билдирдилар, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларда куч-ғайратларини аямасликларини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Фармони

«УЗТЯЖПРОМ» ИЖАРА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲА ИЛМГОҲИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, машинасозлик иншоотларини лойиҳалаш ва қуришдаги хизматлари, жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан:

Вайнер Вадим Ефимович — лойиҳа бош муҳандиси

Ҳикматуллаев Неъмат — директор

«Хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берилсин:

Зокирҳўжаев Мажит — бош мутахассис.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Фармони

Е. АҲМЕДОВГА «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр ва кинематография санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат академик драма театри актёри **Ёқуб АҲМЕДОВга «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ» фахрий унвони берилсин.**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 28 ноябрь.

• *Мустақиллик йўли—истиқлол йўли*

ГАПНИНГ СИРАСИНИ АЙТГАНДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганлиги республика сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унинг Дастури ва Низомини ишлаб чиқишда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи олимлари, профессор-ўқитувчилари ҳам бевосита қатнашдилар. Биз бу билан ҳақли тарзда фахрланамиз.

Партиянинг дастурий ҳужжатлари эълон қилингандан кейин таъсис қурултойи ўз ишини бошлагунга қадар, шунингдек қурултой давомида жойлардан ушбу ҳужжатлар ҳақида жуда кўп таклиф ва мулоҳазалар олинди. Уларнинг кўпчилик қисми қурултой қабул қилган ҳужжатларда ўз аксини топди. Бироқ шундан бери орадан бир ойга яқин вақт ўтганига қарамай, айрим партия аъзолари, шу жумладан, оддий фуқаролар ҳамон партия Марказий Кенгашига «Нима учун партиянинг номи ўзгарди, нега унга Ўзбекистон Халқ демократик партияси деб ном берилди», каби саволлар билан мурожаат қилишда давом этмоқдалар. Сирасини айтганда ҳозир ҳам кўпгина собиқ КПСС аъзолари ўз позицияларини аниқлаб ололганларича йўқ. Улар янги партия сафига киришга иккиланиб турибдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси этиб сайланган И. А. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг XXIII фавқулодда қурултойида ҳам, таъсис қурултойида ҳам нима учун янги партия республика Халқ демократик партияси деб ном олганлиги тўғрисидаги саволларга батафсил жавоб берди. Мен ҳам ана шу фикрларга қўшилган ҳолда қуйида ўзимнинг шу ҳақдаги баъзи фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Бунинг учун аввало республикамиз ва шунингдек Ўзбекистон Компартияси узоқ ўтмишига назар ташлашимиз жоиз. Шуни таъкидлаш керакки, 1925 йилда Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда Компартиянинг тузилиши марказдаги сиёсатчилар, энг аввало ВКП(б)нинг бош котиби И. Сталиннинг қўпол хатоси бўлди. Бу иш шу ерда яшаётган халқларнинг тарихи, мероси, сиёсий ижтимоий-иқтисодий аҳволини чуқур билмай, жамият тараққиёти қонунларини менсимай, Компартия тузиш учун ижтимоий база йўқлигини, маҳаллий аҳоли сафида ҳали илғор революцион ғоя билан қуролланган ишчилар синфи йўқлигини ҳисобга олмай амалга оширилди. Биз нинг шароитимизда бу ғайри қонуний иш бўлди. Агар Компартия ишчилар партияси эканлиги назарда тутиладиган бўлса, маҳаллий аҳолининг 99 фоизи деҳқончилик билан банд бўлган ҳудудда партияни тузиш бутунлай нотўғри эканлигини тасдиқлайди.

Гарчи орадан бир неча ўн йиллар ўтган бўлса ҳам республика доирасида индустриал ишчилар синфи сафида маҳаллий аҳоли жуда кам. Бунинг сабаби марказ шу соҳада нотўғри сиёсат юритишда давом этганлиги, маҳаллий халқни менсимай келганлиги, қолаверса, маҳаллий раҳбарларнинг шу иш моҳиятини тўғри тушунмай марказга ҳайбаракаллачилик қилганлиги натижаси бўлди.

Ўтмишда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган жуда катта хатолар Ўзбекистон Компартиясининг номи ва фаолияти билан боғлиқ эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бироқ масалага чуқурроқ кириб бориладиган бўлса, Республика Компартияси йиллар давомида мустақил иш олиб боришдан бутунлай четлаштирилган эди. У асосан, КПСС марказий органлари буйруғи ва йўл-йўриқларини амалга оширадиган партия ташкилотига айланиб қолганди. Буларнинг ҳаммаси КПСС ва унинг таркибий қисми бўлган маҳаллий ташкилотлар обрўсини туширди. Халқ фақат унгагина эмас, ҳатто партиянинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги шиорларига ҳам ишонмай қўйди. КПСС марказий органлари ва раҳбарларининг ҳаётдан ажралиб қолган қарорлари, йўл қўйган хатолари сабабли Компартиянинг фаолиятига жиддий зарар етди.

Бир қатор партия раҳбарларининг КПСС сафидан чиқанлиги, аввало мана шу партия орқали юқори лавозимларни эгаллаб, энди партия сафида туриш улар учун гўё ҳақорат, мафкуравий бемаънилик бўлиб қолди, деб айтаётганлари шу кишиларнинг кимлигини халқ олдида фош қилган бўлса, уларнинг хатти-ҳаракати, хоинлиги КПССга, унинг обрўсига жуда катта путур етказди. Айниқса, шу йил август ойида М.С. Горбачев ўзи шахсан танлаган ва юқори лавозимларга чиқариб қўйган кишиларнинг жиноятқорона хатти-ҳаракатлари, партия орқали президентлик лавозимини эгаллаган М. С. Горбачевнинг ана шу партия сафидан чиққанлиги КПССга жуда оғир зарба бўлди ва унинг тарқатиб юборилишига олиб келди.

1984 — 1989 йилларда Ўзбекистонда содир бўлган қўпол қонунбузарчилик ишлари, айниқса Марказдан юборилган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги терговчилар гуруҳининг бебошлиги, Ўзбекистонда «тартиб ўрнатиш учун» келган Анишчев, Огорок, Сатин, Романовский, Бутурлин, Дидаренко, Гайданов ва бошқа десантчиларнинг қилмишлари ҳам Ўзбекистон Компартияси таъсир ва обрўсига жиддий зарар етказди. Тўғри, бу шахслар ўз қора қилмишларини маҳаллий раҳбарларга суяниб, уларнинг яқин ёрдамида олиб бордилар. Аҳвол шу даражага етдики, халқимиз тарихи, ўтмиш мероси, эл урф-одати ва ҳатто Ўзбекистон озодлиги ва мустақиллиги учун курашган ва қурбон бўлган олим ва адибларга қарши иш олиб борилди. Ўзбекистон партия ташкилотлари ва унинг олтин дурдоналари — тажрибали кадрлари бошига оғир мусибат, жабр-жафолар солиш И. Усмонхўжаев, Р. Нишонов, Р. Абдуллаева ва бошқалар республикага раҳбар бўлиб турган йилларда айниқса кучайди. Шуниси ачинарлики, кўп йиллар давомида республикага раҳбарлик қилиб келган марҳум Ш. Рашидов номига тош ота бошладилар. «Шароф Рашидовичлик» деган ҳеч бир асоссиз ва сохта тушунчани ўйлаб чиқардилар ва бунга халқни ҳам ишонтирмоқчи бўлдилар. Ўша йиллари республика, вилоят, шаҳар, район, давлат ва жамоа хўжаликлари, ҳатто бўлим раҳбарлари, бригада бошлиқларини Ш. Рашидовнинг шериклари деб айблаб, ҳибсга олдилар.

Халқ ўша даврда партиямизни мустаҳкамлашни, халқимизнинг фаровон ва тинч-тотув яшашини таъминлашни ўзига вазифа қилиб олди.

Кейинги кунларда матбуотда яна бир янги сиёсий ташкилот — демократик ислоҳотлар ҳаракати тузилаётганлиги эълон қилинди. Эмишки, унга таниқли олимлар, ёзувчилар ва зиёлилар намояндалари аъзо бўлиб кирганмишлар. Бироқ бу янги ҳаракатнинг дастлабки қадамиданоқ нотўғри йўлга кираётганлиги ошкор бўлиб қолмоқда. Партия раҳбарияти бизнинг институтимиз олимларига ҳам мурожаат қилиб, уларни ўз партиясига таклиф этди. Ҳатто обрўли профессор — олимлардан бирига агар шу партияга кирмасак бўлса унга Сиёсий Бюро аъзолигини ҳам ваъда қилдилар. Қарангки, халқ ҳаракатини тузган кишилар унинг раҳбариятини фақат қурултой сайлаши мумкинлигини билмас эканлар.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати мажлисида «Бирлик» халқ ҳаракатининг Низоми рўйхатга олинди. Унинг дастурида ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш, қолоқликдан қутилиш, халқнинг фаровон ва бадавлат ҳаёт кечиришига эришиш, пахта яккаҳокимлигига чек қўйиш, Орол муаммоларини ечиш, ишчи ва деҳқонларни, жумладан хотин-қизларни оғир қўл меҳнатидан озод қилиш, ёшларга жамиятда ўз ўрнини топиб олишлари учун зарур шароитлар яратиш, мактаб ва маориф ишларини такомиллаштириш, ёш авлод тарбиясини, халққа тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш каби вазифалар қамраб олинган. Аммо айни пайтда бундай катта масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам атрофлича ўз аксини топган. Булардан ташқари республика ҳукумати, шахсан И. А. Каримов мана шу йўналишда жуда катта ижобий ишлар олиб боряпти. Бироқ «Бирлик» раҳбарияти ўзларини шу соҳада амалга оширилаётган ишларни гўё билмагандек ва сезмагандек тутмоқдалар. Агар ушбу халқ ҳаракати ўз фаолиятини республика ҳукумати билан ҳамкорликда олиб борса шу йўналишдаги кўпгина муаммолар изчил ҳал этилиши осонлашарди. Зеро, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳам «бизнинг ўртамизда қарама-қаршиликлар бўлмаслиги керак, биз ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб ишлашимиз, ҳаракат қилишимиз учун барча имкониятлар бор» деб қайта-қайта таъкидлаётганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми И. А. Каримовни Ўзбекистон Президентлигига номзод қилиб кўрсатганлиги республикадаги барча соф виждонли, пок ниятли, имон-эътиқодли кишилар қалбини ғоят тўлқинлантириб юборди. Ҳозир қаерда митинг ва йиғилишлар бўлаётган бўлса барча якдиллик билан бу қарорни қўллаб-қувватламоқда.

Хўш, нима учун ўзбек халқи И. А. Каримовни бу қадар иззат-ҳурмат қилаётир? Бу саволга жавоб берар эканмиз, энг аввало 130 йилча мустамлакачилик исканжасида келаётган Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинганлигида республика Президентининг жуда катта ҳиссаси бор эканлигини айтишимиз жоиз. И. А. Каримов Президент бўлиб сайланганидан бери унинг оддий меҳнаткаш халқ моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлари, изчиллик билан амалга оширган ва шахсан ўзи бажарилишини назорат қилиб бораётган чора-тадбирлари унинг обрўсини ошириб юборди. Халқ уни ўз отахони, жонкуяри, меҳрибони сифатида улуғламоқда. Сирасини айтганда, пахта харид нархи 50 фоизга оширилганлиги, шу сабабли пахтакор деҳқонлар қўшимча тарзда 300 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олаётгани, салкам 2,5 миллион оилага томорқа ва уй-жой қуриш учун 290 минг гектар ер ажратилганлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, талаба ва аспирантлар, кўп болали оналар оладиган ҳақ бир мунча кўпайганлиги ва бошқа жуда кўп хайрли ишлар Президент ташаббуси билан амалга ошди.

Бугун республиканинг барча фуқаролари хормай толмай аҳил меҳнат қилишини, ўзаро низо ва келишмовчиликларга чек қўйишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Республика Президенти биринчи бўлиб мустақилликни мустаҳкамлаш учун низолардан воз кечиб, бирлашиб, ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлигини айтди. Бироқ, афсуски, ҳали якдилликка эриша олганимиз йўқ. Республика Ёзувчилар уюшмасида содир бўлган воқеалар бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини исботлайтир.

Бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, халқимиз бошқаларга қараганда кўпроқ ишонадиган, ихлос қўйган ёзувчи ва зиёлиларимиз бошбошдоқликни, ноаҳиллиқни бас қилиб, умумий ишга фойдаси бўлмаган иккинчи даражали вазифаларни муҳокама қилишга чек қўйиб, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга бутун ақл-идроклари, куч-қувватлари билан ёрдам берсинлар. Республикада ўзаро аҳиллик ва тотувликни вужудга келтиришда карвонбошилик қилсинлар. Ҳозир ана шу вазифадан кўра улуғроқ ва зарварлироқ иш йўқ. Аҳил ва якдил бўлиб халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш тақчиллик ва қимматчиликни енгиб ўтишда республика Президентига яқиндан ёрдам берсаккина, эл олдидаги бурчимизни бажаришимиз мумкин.

М. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси. Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳининг ректори.

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

РЕСПУБЛИКАДА

ҒОЯ... СОТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси илмий техника ахбороти илмгоҳи «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва халқ хўжалиғида энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш» мавзусида ютуқлар ва ғоялар Бутуниттифоқ ёйма кўргазмасини ўтказди. Улар орасида Минск шаҳридаги «Бельсельхозмеханизация» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуёш нури ёрдамида иситадиган қурилмалари, Тошкентдаги «Техноводстройэкономика» илмгоҳининг шамол двигателлари, «Воронежэнерго» электр тизимларини ишлатишни автомат тарзда бошқариш қурилмаси ва бошқа кўплаб ўзига хос ечимлар бор эди. Ёйма кўргазмада кўплаб ўзаро манфаатли битимлар тузилди. Қатнашчилар ўртасида алоқалар ўрнатилди.

ЦЕХ ФАБРИКАГА АЙЛАНДИ

● ПАХТАОБОД районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида корхона тузилган эди. Унда ишлаб чиқарилган трикотаж буюмлари аъло сифати ҳамда арзон нархи билан харидоргир бўлиб қолди.

Мавлонберди Эгамов бошчилигидаги бир гуруҳ ташаббускорлар жамоа хўжалигининг молиявий мадади билан Японияда ишлаб чиқарилган 12 та тўқув дастгоҳи сотиб олдилар. Бу дастгоҳларни хўжалик бошқарувининг бўш ётган хоналарига ўрнатишди. Хорижий дастгоҳларда тўқувчилик ишини ўрганган мазкур жамоа хўжалиги қизлари 25 нафар дугонасига мураббий бўлдилар.

МАМЛАКАТДА

ИККИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ УЧРАШУВИ

● МОСКВА. СССР ва РСФСР Президентларининг шанба куни бўлиб ўтган амалий учрашувида 1991 йилнинг тўртинчи чорагида Иттифоқ бюджетининг ижроси билан боғлиқ вазият кўриб чиқилди.

Президентлар бошланаётган туб иқтисодий ислоҳот ва пулнинг қадрсизланиш жараёнларини секинлаштириш манфаатларини кўзлаб биргаликда кучғайратларни бюджет камомадини камайтиришга ва катта молиявий номутаносибликларни бартараф этишга қаратиш зарурлигига қўшилдилар.

ЛЕОНИД КРАВЧУКНИНГ ФИКРИ

● КИЕВ. Эрталаб соат 10 даёқ савдо флоти денгизчиларининг 90 фоиздан кўпроғи Украина мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ва республика Президентини сақлаш учун овоз беришда иштирок этди. Бу ҳақда журналистларга сайлов участкасида Украина Олий Кенгашининг раиси Леонид Кравчук хабар қилди. Шуниси диққатга сазоворки, овоз бераётганлар орасида украинлардан ташқари руслар ҳам, беларуслар, яҳудийлар, грузинлар, арманлар, мамлакатдаги деярли барча миллатларнинг вакиллари бор.

Бугун украин халқи мустақил бўлишига ишончим комил, деб таъкидлади Леонид Кравчук. Халқ мустақил бўлиши билан АҚШ, Канада ва Европа мамлакатлари Украинани тан олади. Россия ҳам демократия йўлини тутиб Украинани мустақил давлат сифатида тан олишига шубҳа йўқ. Украина янги сиёсий шартномани имзолаш тўғрисидаги масалага тўхталиб, Леонид Кравчук бундай деди: республика Олий Кенгаши бу ишни қилмайди.

ХОРИЖДА

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ компартиясининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи вакили Сай Герсон якшанба куни сўзга чиқиб партия ўтган йилга қадар Совет Иттифоқидан ҳар йили 2 миллион доллар миқдорида ёрдам олиб турган, деган хабарни рад этди. Унинг гапларига қараганда, Америка коммунистлари ташкилотининг маблағи «асосан аъзолик бадалларидан, шунингдек бошқа ҳар қандай партия учун одат бўлган пул тўплаш тадбирлари натижасида олинган маблағлардан» ташкил топади.

● БЕЛГРАД. Хорватиянинг танглик юз берган районларида якшанба куни республика қуролли кучлари бўлинмалари билан Югославия халқ армияси ўртасида тузилган яраш яна бузилди, деб хабар қилдилар маҳаллий ахборот воситаларининг ҳарбий мухбирлари.

Ғарбий Славониянинг Новска ва Нова-градишка аҳоли пунктлари районида вазият ғоят кескин бўлиб турибди, бу ерда Хорватия ҳарбийлаштирилган бўлинмалари артиллерия тайёргарлигидан сўнг армия эгаллаб турган жойга ҳужум қилдилар.

(ЎзТАГ ва ТАСС материаллари асосида.)

• *Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар*

МОЛ АЙИРБОШЛАШ ТАЖРИБАСИ

Ишбилармонлик чегара билмайди. Ҳозир бу оддий ҳақиқатни англаб етган тадбиркорлар қўл қовуштириб турганлари йўқ. Хориж билан алоқа боғлаб, иқтисодиётни ўнглаш йўлида ҳаракат қилишяпти. Жумҳурият автомобиль транспорти мутахассислари ҳам бу борада хайрли тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда автомобилчилар Чехословакиянинг «Мотоков» фирмаси билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқасини ўрнатиб, йўловчиларга бирмунча қулайликлар яратишга муваффақ бўлдилар. Шу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Автотранспорт вазирлигининг йўловчилар ташиш бош бошқармаси бошлиғи А. Азимов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Эътибор берган бўлсангиз, Тошкент шаҳри кўчаларида «Короса» маркали автобуслар пайдо бўлиб қолди. «Бу — ҳамкорлигимизнинг дастлабки натижаси. Ҳозир шаҳарлараро йўналишда ҳам худди шундай маркали автобуслардан 19 та қатнаб турибди. Бу қулай транспорт воситаларини биз Чехословакиянинг «Мотоков» фирмасидан мол айирбошлаш эвазига сотиб олдик. Бундан ташқари, автобус ва юк машиналари учун эҳтиёт қисмлар, шиналар ҳам харид қилинди. Қувончлиси, буларнинг ҳаммаси марказ воситачилигисиз жумҳурият ҳукуматининг бевосита ёрдами билан амалга оширилди.

Хўш, мамлакатда йирик автобус ишлаб чиқариш заводлари бўла туриб, хориждан валюта ҳисобига транспорт воситаси сотиб олиш шартмиди, деган савол туғилиши мумкин. Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги кунда йўловчиларни вақтида манзилга етказиш жойларда транспорт етишмаслиги туфайли муаммо бўлиб қолмоқда. Бунинг устига шаҳарлараро йўналишларда қатновчи Венгриядан сотиб олинган «Икарус» автобусларининг эҳтиёт қисмлари йўқлиги ҳам ишнинг белига теппяпти. Шу туфайли уларнинг бир қисми яроқсизга чиқиб қолмоқда.

Илгари жумҳуриятимизга СССР Давлат таъминоти қўмитаси 400 дан зиёд «Икарус» автобусларини ажратар эди. Бироқ 1989 йилдан бошлаб аҳвол бутунлай ўзгарди. Ўша йили 178 та, 1990 йил эса 130 та «Икарус» олдик, холос. Бу йил учун бизга биронта ҳам «Икарус» автобуси бериш кўзда тутилмади.

Энди мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автобусларга келсак, уларни амалда сотиб олиш жуда қийин кечяпти. Ўтган йилдан бошлаб хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли жумҳурият автотранспортчилари таъминотчилардан шартномада келишилган 830 та автобуснинг ярмини ҳам ололмади. Бунинг устига мазкур автобусларнинг нархи бир неча баробар ошиб кетди.

Шундай қийин бир вазиятда хориждан шериклар излашга мажбур бўлдик. Чехословакиянинг «Мотоков» фирмаси биз билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирди. Шу йилнинг март ойида икки томонлама фойдали шартнома имзоланди. Унга кўра, фирма жумҳуриятимиз автомобилчиларига шаҳар ичида қатновчи 30 та «Ц—73240» маркали ва 19 та юмшоқ ўринли «Ц—73540» маркали автобусларни етказиб бериш мажбуриятини олди. Ўз навбатида биз уларга пахта толасини сотишдан тушган маблағдан 3,5 миллион валюта пули миқдорида тўлайдиган бўлдик.

Бу автобуслар ҳайдовчиларимиз бахтига мамлакатда ишлаб чиқарилган автобусларга нисбатан анча арзонга тушди. Дейлик, шаҳар ичида қатновчи «Короса» автобуслари ҳар бирининг шартнома лойиҳасидаги нархи 56825 америка доллари ҳисобида эди. Биз музокара йўли билан нархини камайтириб, 52250 долларга туширдик. Юмшоқ ўринли автобуслар нархи ҳам 74 мингдан 65 минг долларга камайтирилди. Хуллас, тадбиркорлик билан иқтисод қилинган 308,250 доллар ҳисобига эҳтиёт қисмлардан кўпроқ сотиб олиш имконияти туғилди.

Бироқ автобусларнинг СССР чегарасидан ўтгандан кейин жумҳуриятимизга келиши қийин кечди. Боиси, Иттифоқ божхонаси вакиллари солиқ солишни бир неча ўн фоизга ошириб юборишди. Натижада Ўзбекистон учун жўнатилган автобуслар Ужгород шаҳрининг «Закарпатснабсбит» базасида туриб қолди. Фақат жумҳурият ҳукуматининг аралашуви билангина муаммо ҳал бўлди. Автобуслар бироз кечикиб бўлса-да, жумҳуриятга келтирилди.

Хуллас, мол айирбошлаш тажрибаси ўзини оқлади. Биз «Мотоков» фирмаси вакиллари билан бундан кейин ҳам алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, келажакда биргаликда автомобиль шиналари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этишга келишиб олдик. Менимча, эндиликда хорижлик ишбилармонлар билан алоқаларни кенгайтиришимиз, бунда ҳамкорликнинг турли усулларидан фойдаланишимиз керак. Зотан, шундай қилингандагина бугунги кунда тармоқдаги муаммоларни тезроқ ҳал қилиш осон кечади.

А. БОЛИЕВ ёзиб олди.

• *Шогирдлар таъзими*

БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Истеъдодли тиббиётчи! Атоқли олим Турсун Нажмиддинов ҳақида гап кетгудек бўлса, шундай дея эътироф этадилар. У ўзининг илк фаолиятини муаллимликдан бошлаганди. Бу ҳақда унинг ўзи «Ёшлигимдан маърифатга, илмли бўлишга қизиқардим. Халқимни, айниқса, ўша даврда ёшларни билимли бўлишларини жуда-жуда истардим. Чунки саводсиз инсон наздимда чароғон кунда ҳам шам билан иш кўрадигандек бўлиб туюларди. Шул сабабдан муаллимликдан тетапоя қилиб, мураккаб фан оламига кирганман», — деганди...

Тўғри, инқилобдан кейинги суронли йилларда турмушнинг ҳамма жабҳасида иш осон кўчмади. 1919 йилда у мурғак қалбларга илм беришдек эзгу ишни бошлади. Лекин зийрак фикрли Турсуннинг қалбида табибликка иштиёқ ўша даврда, юртимизда кенг тарқалган юқумли касалликлар офатига ялпи кураш даврида намоён бўла бошлади. Бу интилиш уни Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг тиббиёт куллиётига кириб ўқишга ундади. Ўқишни муваффақиятли тугаллагач, етакчи олимлар билан ижодий ҳамкорликда тиббиёт илми ва шифокорлик борасида катта тажриба орттирди, тропик паразитлар юқумли касалликлари бўйича етук мутахассис бўлиб етишди.

Қобилиятли тиббиётчи ўз устида тинмай ишлади. Изланди. илм сирларини тобора чуқурроқ ўзлаштирди. Бу изланувчанлик зое кетмади, оддий шифокорликдан кафедра асистенти, доцент, кафедра мудирлигигача бўлган ижодий йўлни босиб ўтди. У ўз ўрни, истеъдодини фанга бағишлаганда кўпроқ жамиятга наф беришни қалбдан ҳис этар ва буни амалда исботларди. У 1936 йилда тиббиёт фанлари номзоди, 1944 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шуни алоҳида эътироф этишни истардикки, Турсун Ҳўжаевич Нажмиддинов мўътабар илм даргоҳи, неча-неча истеъдодли инсонларга зиё берган дорилфунуннинг илк битирувчиларидан эди.

Етакчи тиббиётчи иссиқ иқлим касалликларини тинмай ўрганди. Айниқса, ўша кезларда ўлат, безгак, лейшманиоз, амебиоз, вирусли гепатит, сув иншоотларидан юқадиган терлама, қорин тифи, ичбуруғ, бруцеллёз, тошмали терлама, риштa каби оғир хасталиклар халқ бошига оғир кулфатлар келтираётган эди. Шу боис тиббиёт жабҳасида чуқур кузатишлар, тажрибалар олиб борди, бунинг эвазига 100 дан ортиқ илмий мақола, 12 та монография, мақолалар юзага келди. «Тропик касалликлар», «Ўрта Осиё касалликлари», «Безгакни спиртохинин билан даволаш», «Безгакда суяк кўмиги ва қон манзараларини таққослаб ўрганиш» каби қатор илмий ишлар на фақат тиб илмига қўшилган йириқ ҳисса, балки фан оламига кириб келаётган ёшларга дастур бўлиб қолди. Айниқса, олим яратган безгак касаллигидаги муҳим муаммони ҳал қилишга бағишланган, безгакни сурункали давом этиши сирларини аниқлаш масаласига бағишланган кашфиёти кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Профессор Т. Нажмиддиновнинг иқтидори нафақат жумҳурият, иттифоқимизда гина эмас, жаҳон тиббиётчи олимлари назарига тушди. 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган безгакни комплекс даволаш усуллари мавзусига бағишланган илмий анжуманда олим ўқиган маъруза жаҳон олимлари олқишига сазовор бўлди. Ўзбек олимининг 1968 йилда машҳур дунё олимлари қатори Нью-Йоркда чиқадиган жаҳон Қомусига киритилиши билан барча тиббиётчиларимиз ҳақли равишда фахрланадилар.

Олим илмий иш билан бир вақтда устозлик қилишдек ҳайрли касбини давом эттирди. У ўзининг 45 йиллик ижодий фаолиятида кўплаб шогирдлар тайёрлади, ёш тиббиётчиларга тиб илмидан сабоқ берди. Йигирма нафар фан доктори қаторида профессорлар М. Усмонов, П. Алексеев, С. Амбарцумов, М. Невский, доцент У. Ғаниев, А. Илҳомов ва бошқа кўплаб иқтидорли олимларнинг номини қайд этиш мумкин. Унинг шогирдлари ҳозирги ўзбек тиббиёти равнақига бабида бой тажриба, ҳамкасб, шогирдлар учун тиббий мерос хизматини ўтаётган Турсун Нажмиддинов фаолиятининг бугунги кундаги қадр-қиммати жуда юксакдир. Олимнинг баракали илмий фаолияти халқимиз қалбида ҳам яшамоқда. Пойтахт кўчаларидан бири Турсун Нажмиддинов номи билан аталади.

Дастлабки тиббиётчи, олим, устоз, муаллим ҳамиша давр билан ҳамнафас қадам ташларди. Зеро, у биринчилардан эди...

К. ЖАЛИЛОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

О. ЖАЪФАРОВ,
доцент.

ЎЗБЕКИСТОН—ОЛМОНИЯ ЖАМИЯТИ

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон — Олмония жамияти тузилганлиги тантанали эълон қилинди. Ўзбекистон дўстлик уйида бўлиб ўтган таъсис йиғилишида республика ўқув юртлари, илмий-тадқиқот масканлари, корхоналар ва хўжаликлар вакиллари қатнашдилар.

Ҳозирги пайтда бу жамият тузилишининг ўзига хос асосий сабаблари бор. Мустақиллик сари қадам қўйётган жумҳуриятимиз ва эл мамлакатлар билан ҳар томонлама иқтисодий ва маданий алоқаларни янгидан қайта йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш борасида талай ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва Олмония ўртасида узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган яхши дўстлик алоқалари бунга муносиб асос бўла олди. Бундан йигирма бир йил муқаддам Совет Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган дўстлик шартномаси бўйича олиб борилган алоқаларда Ўзбекистон ҳам самарали қатнашди. Олмониянинг кўпгина корхоналари ва фирмалари республикамиз халқ хўжалиги билан яқиндан алоқа боғлаган эди. Масасан, Тошкентдаги тош йўниш комбинатида бу мамлакатдан келтирилиб ўрнатилган ускуналар воситасида тайёрланган маҳсулотлар пойтахтимиз метросининг бекатларини безаб турибди. Шунингдек, «Вестфаль» фирмасида шарбат тайёрлайдиган юқори технологияли ускуналар Самарқанд, Шаҳрисабз, Фарғона ва Янгийўл консерва заводларида ўрнатилди. Булардан ташқари бир қатор тикувчилик корхоналаримизда Олмониядан олинган технология воситалари кийим-кечаклар тайёрлашда қўл келмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Олмонияга хом ашё етказиб бериши билан бирга у ерда бир неча марта жумҳуриятимиз маданияти кунларини ўтказди. Бундай тадбирларда Тошкентдаги қунар-техника таълими маданият саройининг «Ҳилола» ҳаваскорлик ансамбли олис мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида маҳоратини намойиш этди. 1988 йилда Қуйи Саксонияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларида «Лазги» ансамбли ва филармониянинг бир қатор санъаткорлари қатнашдилар.

Янгидан дўстлик жамиятини тузиш борасида Тошкент Давлат дорилфунуни, чет тиллар педагогика илмгоҳи, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 80-мактаб ва «Средазгипроводхлопок» олийгоҳи ташаббус кўрсатдилар.

Ўзбекистон — Олмония дўстлик жамияти таъсис этилишида унинг бошқаруви раҳбарлиги ҳам сайланди. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири Марат Тошпўлатов уюшма раиси, Сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи кафедра мудири Матбуа Аҳмедова раис ўринбосари қилиб сайландилар.

А. ПУЛАТОВ.

• *Чорвадор мулоҳазаси*

СУВ ТЕКИНГАМИ?

— Хайриятки, қоракўл тери ва жуннинг нархи бироз ошди, — дейди Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи ферма мудири Нурмамат Рустамов. — Афсуски, шу пайтгача қоракўл терилар сув текинга пулланарди. Энди қўйчивонлар меҳнатига яраша етиштирган маҳсулотини қимматроқ нархда сотадиган бўлишди. Бунинг устига яқинда республика Президенти яна бир ғамхўрлик кўрсатди. Чўпон-чўлиқларнинг фарзандлари ҳарбий хизматга тортилмайдиган бўлди. Энди чўпон ўринбосарлари масаласи ижобий ҳал бўлди, десак арзийди.

Нурмамат Рустамов «Жакет» навли териларни яратган жонкуяр ижодкорлардан бири. У ва унинг ҳамкасблари тери нархи ошганидан хурсанд бўлсаларда, жимжимадор гулли териларни қайта ишлаб берадиган корхона Қашқадарё вилоятида йўқлиги туфайли ташвишланмоқдалар.

«Муборак», «Нишон», «Ғузор», «Пачкамар», Ғафур Ғулом номли ва «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводлари ҳар йили мамлакатимиз ёки хориждаги қайта ишлаш корхоналарига ўн мminглаб дона қоракўл тери етказиб беришаётир. Алам қиладиган жойи шуки, пальтолар ёқаларига тикилган терилар ўн баравар қиммат нарх қўйилиб, ўзимизнинг магазинларга қайтариб юборилянти. Шу ҳам талаш.

Вилоят хўжаликлари бу йил давлатга режадаги 240 минг дона ўрнига 260 минг дона қоракўл тери топширишди. 2900 тонна жун тайёрланди. Ана шунинг ўзи ҳам чорвадорларга миллион-миллион сўм соф даромад олиб келади. Агар бундан буён чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш вилоятнинг ўзида йўлга қўйилса, бу иқтисодиётимизга янада катта фойда келтириган бўлур эди. Шунда кулол мўндида сув ичади, деган мақол ёдга келмасди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАЙМОҚ, ПИШЛОҚ, СУЗМА...

Аҳоли зич яшайдиган Янгибозор районида сут заводи ишга тушди. У ҳар куни 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада районнинг барча фермаларидан келтирилган сутни қайта ишлаш имконияти бор. Янги завод бу ердаги шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини қаймоқ, қатиқ, пишлоқ, сузма ва шу сингари сут маҳсулотлари билан тўла таъминлайди. Илгари бу маҳсулотлар Урганчдан олиб келинарди.

Бу корхона «Ленинград» жамоа хўжалигидаги собиқ сут қабул қилиш пункти негизида қуриб битказилди. Урганчдаги сутёғ заводидан бу ерга творог тайёрланадиган катта ванна, музлатиш камераси, буғ қозони ва бошқа ускуналарни олиб келишди.

ҚИСҚА САТРЛАР

● **ҚҮҚОНдаги «Большевик» заводи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш учун ҳаво ўтказмайдиган идишлар ишлаб чиқара бошлади. Бундай идишларга кичик корхоналарда, сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар очаётган колхоз ва совхозларда талаб катта бўлмоқда. Завод бир йил ичида 200 тадан кўпроқ қопқоқли, ҳаво ўтказмайдиган идишлар тайёрлаб беради.**

● ХОРАЗМ вилоятининг Гурлан районидаги Ленин номли колхозда тикувчилик цехини ташкил этиш учун қилинган сарф-харажатлар ўзини тўла оқлади. Цехда эркаклар ва аёлларнинг кўйлаклари, халатлар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари чиқарилади. Бу ерда 50 киши ишлайди. Нижний-Новгород тикувчилик бирлашмасининг бўлими ҳисобланган қишлоқ цехи бир йилга етар-етмас иши давомида ярим миллион сўмлик маҳсулот чиқарди. Қишлоқ тикувчиларини хом ашё ҳамда андозалар билан бош корхона таъминламоқда.

(ЎзТАГ).

НУҚТАИ НАЗАР

ДЕВОРДАГИ ПАТИР

Эллигинчи йилларнинг бошларида кўпгина хонадонлар деворида сингдириб пиширилган патир илиғлиқ турарди. Улар айримларининг бир чети тишланган, баъзилари эса ярмигача ейилган эди. Бунинг боиси бор эди. Бундан ўн йиллар муқаддам жангга йўллаган ота-оналар фарзандларининг йўлига муштоқ эди. Эшик тиқ этса кўча томон югуришар, ҳакка сайраса меҳмон келяпти, мана шу жигарим бўлса керак дея, кўча пойлашарди.

Муштоқлик, мусибат, соғинч ортда қолди. Насиба таомлар сузилмади. Йўл пойлай-пойлай оталар қариди, оналарнинг бели букчайди. Қалбининг аллақаерида ҳали умид шами сўнмаган бўлса-да, ана шу шамнинг сўниқ шуъласида ўзини турли ўй-хаёллар гирдобида асради.

Уй тўридаги яримта патир шундоғлигича ҳали ҳам турибди. Кўплари ана шу яримта патирдан кўз узмай фано уйидан бақо мулкига сафар қилдилар.

Мен яримта патирни бежиз келтираётганим йўқ. Кейинги ўн йилликлар — модомики, ҳаёт боқий экан — минглаб-миллионлаб фарзандларимизни сафарга жўнатдик. Ўзининг сўнгги дамларини афғон тупроғида кўрганлар ҳам кам эмас. Уларнинг «Ойижон, отажон» деган ўксик сўзларини эшитмай қолдик. Норғул қоматлар темир қопқага яшириб олиб келинди, мурдалар ювилмади, муаззам волидаси, падари бузруквори бағрига олинмади.

Ҳаёт ана шу мунгли чиғириқлардан омон олиб ўтгиси келади. Лекин ана шу чиғириқларнинг бир чеккасида мунғайиб турган даҳшат, ҳалокат, важоҳат ўзининг мумсик аламини ўтказади. Омонлик йўлига раҳна солади. Жонингни, жаҳонингни суғуриб олишгача тайёр.

Йўқ — мен кўп бор тилга олинган, бевақт бошланган, не-не азаматлар жонини олиб кетган ва не-не норғул йигитларнинг нонини яримта қилган бу вахшийлик хусусида тўхталаётганим йўқ. Мен ҳам бошқалар сингари афсус ва надоматлар ила қарғайман, бу уруш йўлини очган ғанимларнинг кўзлари сўқир бўлишини тилайман. Афсуски, менинг бу қарғишларим уларнинг яқин давраларига етиб бормайди, негаки у пурвиқор салтанатлар даврасида ўт ўтмас, қилич чопмас даргоҳлардадир. Шундай деб ўйлайману, яна ўзимни овутаман.

Мен бошқа хусусда баҳслашмоқчиман. Бундай ўйлаб қарасам яқинларимнинг уйида яримта патир осилмабди, худога минг қатла шукурлар, таҳсинлар ўқийману барибир юрагим зирқирайди. Аслида шундайми? Кейинги ўн йилликлар давомида ҳар биримизнинг уйимиз тўрида, қалбимиз қаърига яримта патир осилмадими? Биз буни кўриб туриб, кўрмаганга оляпмиз. Биз бу патирларни ўз қўлимиз билан эмас, дилимиз билан осиб қўймадикми?!

Ўзбек халқи азалдан меҳмондўст, ҳозирда ҳам шундай. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолади, бунга ишонаман. Афсуски, бизнинг мана шу тантилигимиз, меҳмондўстлигимиз, бир майизни қирқ бўлиб тамадди қилишимиз ўзимизга доғ олиб келди. Бизни порахўрликка йўйишди, қўшиб ёзишликка устаси фаранг дейишди. Ўзимиз емай эл-юрт олдига ёйган дастурхонимизни кўриб «бойиб кетган»га йўйишди. Нақадар пасткашлик! Нақадар тиллари бурро уларнинг. Шунда ҳам қўлимизни кўксимизга қўйиб, «Марҳамат, уйимизнинг тўри сизники» дедик. Ўз уйимиз тўрида ўтириб, дастурхонимизга туфлашди. Шунда ҳам ўша «дўст»ларнинг кўзига тик қарамадик. Бунинг боиси бор — бобокалонларимиз ҳотамтойлик қилишни ўргатишгану, бировнинг кўзига тик қарамагин, андишасизлик қилмаган дейишган. Андишанинг отини қўрқоқ, дейдилар.

Байналмилал дўстлик — бу ҳар бир эл, ҳар бир юрт тенг дегани! Биз эса фақат бир юрт вакилини улуғлаб келдик. Бу калон юртни улуғлаганимиз сари ўзимизнинг бошимизга чиқиб, тепа берди. Бойлигимизни тортиб олди, чидадик, соғлиғимизни тортиб олди, чидадик, юртимизни тортиб олди, чидадик, тилимизни тортиб олди... Етар...

Шу ўринда файласуф Қўчқор Хоназаровнинг Нодирабегим тақдири ҳақидаги ҳикоясини эсладим. Олима Маҳбуба Қодирова XIX асрнинг порлоқ юлдузларидан бири Нодира ҳаёти ва ижоди ҳақида докторлик ишини ҳимоя қилиб, тасдиқ учун Москвага Олий аттестация комиссияси (ВАК)га юборади. Докторлик иши ҳали у олим, ҳали бу олим қўлига ўтиб сарсон бўлаверади. Ҳамманинг нияти бир: наҳотки аёл шоира бизларда бўлмасаю, ўзбекларда ярқираб турса! Ниҳоят илмий ишга холис баҳо бериш Қўчқор Хоназаровга топширилади.

— Мен Нодира ижодидан хабардор эдим, — дейди олим Қ. Хоназаров. — Илмий ишни иштиёқ билан ўқиб чиқдим. СССР Фанлар академиясида Нодира ҳақидаги маърузамдан сўнг илмий ишнинг ҳақлигига ишонишди ва уни тасдиқлаш ҳақида қарор қилишди.

Қаранг-а, бугунги кунимизнигина эмас кечаги ва бутун бир ўтмишимизни ҳам тутқазиб қўйганмиз. Фильмларимизнинг матнлари қанчадан-қанча масофа босиб, йўлланмага аранг рухсат олишларичи? Йўқ, Ўзбекистонимиз мустақиллик довонидан ошаётган экан, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Энди жиловни бериб қўймаймиз. Тенглар ичидаги тенг ҳуқуқли республикамиз!

Бизнинг янги ҳаёт йўлидаги дадил одимимизни кўролмаётган ва кўришни истамаётганлар, ҳали ҳам пана-панадан таъна тошларини отишга, яна ўз қўлларида жиловлаб олишга уриниб кўрмоқдалар. Чучварани хом санаётганлиги наҳотки аён бўлмаса?! Йўқ, истиқлол йўли — нурли йўл. Биз бу йўлдан дадил ва оғишмай бораверамиз.

Юртимнинг мустақиллигини ўйлаганимда беихтиёр онам кўз олдимга келди. Шундай умидли кунларни кўрмаганига, кўра олмаганига афсусланаман. Қанчалар кутар эди-я мустақилликни! Қарашларидан, энтикиб-энтикиб сўзлашларидан ҳис этардим мустақилликни! Тўғри, мамлакатимизда ёппасига саводхон деб аталган пайтда — ДАДАМ ҲАРФ ТАНИМАСДИ, ОНАМ ЭСА ҲИЖЖАЛАБ ЗЎРҒА ЎҚИЙ ОЛАРДИ, холос. Онам бугунги мустақилликни шундай холича кўра билганди дёсам лоф бўлар! Одамлар ишонмаслиги ҳам мумкин! Билъакс, Наврўзнинг нишонланиши, Қуръони каримнинг чоп этилиши, Ҳадисларнинг дунёга келиши, диндорларнинг эркин нафас олишини кўрганда борми, билмадим, эрталабгача китоб ўқитармиди! Ҳар бир жумла, ҳар бир ҳарфни қулоғига қўярмиди! Хурсанд бўлганидан кўзлари ёшланиб кетармиди! Етказганига минг бор шукр, дея эл-юрт ҳақига, унинг содиқ ва фидойи бошловчилари ҳақига таҳсинлар ўқирмиди! Хуфтондан кейин аллавақтгача ўтириб тасбеҳ ўгириб айтадиган саловатларини бағишлармиди!

Афсус, минг бор афсус! Мана шу ёруғ, нурафшон кунлар насиб этмади, аммо бу кунлар келишини билармиди, сезармиди, дадам ҳам, онамнинг ҳам тилидан ҲАҚ, ҲАҚ, ҲАҚ деган сўзлар тушмасди.

Худди шу кезлари «Онамнинг сўнгги сўзлари» сатрлари хаёлимдан ўтганди.

Ҳақ!
Ҳақ!
Ҳақ!
Онамнинг сўнгги сўзлари
Бўғзида тупукдай тош қотиб қолди.
Милтиллаб пирпираб кўкиш кўзлари
Кимнидир ахтара-ахтара толди.

Оҳ!
Онам!
Онажон!
Ўша мен эдим,
Югурик дунёда югурмоқдаман.
Тун қаросин йиртиб, довонлар ошиб
Юракда бир илинж деб бормоқдаман.

Қўлларим қўл эмас, гўё бир косов,
Тилгинам ўрнида титрайди яроқ.
О дунё, бир лаҳза, бир лаҳза биров —
Ўтинса, ялинса кўзларига боқ.

Ана онажоним кутар мунтазир
Хакканинг келишин меҳмонга йўяр.
Бошига болишдек бўлсаме арзир,
Инқиллаб турару ҳамда чой қўяр.

Етар, онажоним ўксиб ҳам кетдим,
Бирор бор маҳсингиз тортиб қўйдимми!
Рўмолга тугиғлиқ — аталган пулни
Анқов дўстларимга ташиб тўйдимми!

Ким эди ўша дўст, кимлар эди у!
Минбарларда шодмон туришар эди.
Айтгани айтгану, дегани деган
Кийимини чертиб кийишар эди.

Бир юзи ёруғу, бириси қора,
Тилида гултикон эди муҳайё.
Қора кўзлари-ей изларди пора,
Кечаю кундузи йиғарди дунё.

Туя қилиб еди ҳақиқат нонин,
Халқимни ўзига қаратиб қўйиб.
Жоду билан кесди ҳақиқат тилин,
Халқ қулоғин бураб, тириклай сўйиб.

Партия — халқ бирдир дея минбардан
Ясама сўзларни учирар эди.
Ва лекин ўзлари ўйнаб, салқинлаб.
Боқувдаги қўйдек семирар эди.

Ҳақиқатнинг юки зил-замбил оғир
Лекин у баъзида пардай тўзиди.
Кимларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб
Кимларнинг йўлидан ғоят безиди.

Ҳўнграб йиғлай деса тили ҳам кесик,
Икки оёғида марварид кишан.
Юз қора, кўз сўқир, бош-чи шумшук,
Узоқдан милтиллар, милтилларди шан.

Онажон!
Бўғзингда қолган сўзларни —
Йиллар-ей қадрлаб келдинг тилингда.
Билардим, сезардинг эрк шабадаси
Бир кун эсишини она элингда.

Ҳаётку музаффар, мунаввар, барҳақ!
Сендан ёдгор қолган сабони туйдим.
Онажон!
Ҳақ!
Ҳақ!
Ҳақ!
Сўнгги сўзингни
Топдиму ўзингни йўқотиб қўйдим.

Йиллар ўтиб, она — юртимиз мустақиллиги бизларга насиб этди. Бу — БАХТ! Бу — МАСЪУЛИЯТ! Бу — ЭЪТИҚОД! БУ — ИЗЛАНИШ!

Биз қутлуғ 1991 йили бир ёқадан бош чиқариб МУСТАҚИЛЛИК НИҲОЛИНИ ўтказдик. Энди пурвиқор дарахтга айланишини кутиб ҳар биримиз унинг атрофида парвонамиз, вақтида сув бериб, парваришлаяпмиз. Афсуски, ниҳолимизнинг «ана қурисайди, мана қурисайди» дея илинжида юрганлар ҳам йўқ эмас. Биз эса ўз ниҳолимизнинг ЯМ-ЯШИЛ ДАРАХТГА айланиши учун курашаверамиз.

Истиқлол ҳаммамизни ва ҳар биримизни жипслашишга, камолот сари юз буришга, она Ватан йўлида ҳалол хизмат қилишга ундамоқда. Йўлларимиз тўрида яримта патир сира осилмасин!

Мирза КАРИМ.

• *Мактабгача тарбия муассасаларида*

АРЗИГУЛИК ЖИҲАТЛАРИ КЎП

Аввало, бу кичкинтойлар масканининг дид билан безатилган ташқи кўриниши нафақат илк келган кишида, балки ҳар куни фарзандини етаклаб келувчи ота-оналарда ҳам завқ уйғотиши табиий.

Одатда куннинг иккинчи ярмида болалар боғчаларига борсангиз тарбиячилару, болаларни кетиш кайфиятини сезасиз. Лекин бу тарбия ўчоғида бунинг аксини кўрасиз. Тарбиячи Дилбар Хўжаева, Марғуба Олимахонова ва Ҳалима Умархўжаевани ҳам айни машғулот пайтида учратдик. Боғча мудираси Ҳамидахон Аҳмаджоновна эса гуруҳларни айланиб юрарди.

Биз ҳикоя қилаётган бу болалар маскани — пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги 387-«Наврўз» боғчасидир. Боғча 320 нафар кичкинтойга мўлжалланган. Бугунги кунда 200 нафар болани бағрига олган. Тўққизта гуруҳда малакали, ширинсўз тарбиячилар ёш авлод тарбиясига масъул. Бу ерда таълим-тарбия ва машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

— Ёшлар орасида миллий урф-одатларимизга эътибор сусайиб кетган, деган дашномларни кўп эштитамиз, — дейди боғча мудираси Ҳамидахон Аҳмаджонова. — Боғчамизда миллий тарбияга кўпроқ аҳамият берамиз. Иқтидорли гўдаклар учун тўгараклар ташкил этганмиз. Яқинда бўлиб ўтган «Навоийнинг болалиги» мавзуидаги машғулотларимиз болаларда катта таассурот қолдирди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, рус тилида сўзлашувчи кичкинтойлар ҳам бу анжуманимизда фаол қатнашди. Улар ҳам боғчамизда фақат ўзбек тилида сўзлашга интилишади...

Болалар боғчаси гуруҳларини айланамиз. Ҳар бир гуруҳ хонасида миллий анъаналаримиз уфуриб турган кўргазмали қуроллар, қишлоқ хонадони уй нусхаси, шарқона сўри-ю, шийпонлар... Ҳатто 4—5 яшар қизалоқ бешикка беланган қўғирчоғини тебратар экан, ўзича «алла» айтарди...

«Наврўз» ташкил топганига эндигина бир йилдан ошди. Лекин шу муддат ичида ёш авлод тарбияси учун зарур шарт-шароит, ўз касбига лаёқатли жамоа шаклланди.

Район халқ таълими бўлимининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғинида «Наврўз» болалар боғчасининг иш фаолияти юқори баҳоланди. Район болалар боғчалари методистлари боғчадаги таълим-тарбия ишлари билан танишдилар, зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди.

— Келгусида «Наврўз» болалар боғчаси қошида район болалар боғчалари методистлар бирлашмасини ташкил этишни режалаштирдик, — дейди район халқ таълими бўлими инспектори Эльза Шеварева.— Бу тарбия маскани жамоаси ишларини оммалаштирса арзигулик жиҳатлари кўп. Тўғри, қисқа муддат ичида талайгина ютуқларга эришилди. Лекин ҳали болалар боғчасининг ўзига хос муаммолари устида ҳам бош қотиришимиз керак.

Келажак авлод тарбиясига янада кўпроқ аҳамият бериш, барча зарур шарт-шароит яратиш эртанги кунимизга замин тайёрлаш демакдир. Буни қалбан ҳис этган кичкинтойлар масканидаги ҳар бир жамоа аъзоси «Бола тарбиясига масъул эканмиз, мақсадимиз болажонлар яйраб ўссин деймиз» дейишади фахр билан.

С. ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





● **НАМАНГАН районидаги Тельман номли жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 2,5 миллион сўмга яқин даромад олишди. Бу албатта, ҳосилдорликни оширш эвазига қўлга киритилди. Айни пайтда хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни бошқа жойлардаги маҳсулотларга алмаштириш йўли билан янги цехлар ишга туширилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида бу ерда гилам цехи ишга туширилди. Пишлоқ тайёрлаш йўлга қўйилди. Консерва цехи, ўсимлик ёғи тайёрлаш, помидор шарбати, пишиқ ғишт тайёрлаш бошлаб юборилди.**

СУРАТЛАРДА: 1. Кулол Исоқжон Холмирзаев. 2. Гилам цехи ишчилари Мапура Аҳмедова ва Мўътабар Холматова. 3. Тошпўлат Бойхонов билан Абдувоҳид Тўлашев хўжалик жувозхонасида тайёрланган ёғ сифатини кўздан кечириш мокда.

А. КОВТУН олган суратлар (ЎзТАГ).

• ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

ИМОН БУТ БЎЛСА

Мустақил Ўзбекистонимизда Халқ демократик партиясининг ташкил топганлиги республикамиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлди. Унинг Дастури ва Низоми билан танишганимдаёқ, олий мақсади— инсонпарварлик, халқчиллик, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашдан иборат бўлган ана шу партиянинг албатта аъзоси бўламан, деган қарорга келгандим. Шундай ҳам бўлди. Ўзим қирқ йилдан кўпроқ вақт ишлаб келаётган Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида собиқ компартия аъзоларидан 123 киши қайта рўйхатдан ўтиб, ХДП сафига кирдилар. Тўрт нафар партиясиз кишилар ҳам бошқалар қаторида ушбу партияга биринчилар қаторида аъзо бўлди. Янги партия сафида туриб, мустақил Ўзбекистон равнақи учун курашга отланганлар сони янада кўпайишига ишончим комил. Зеро, халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаётган, эл-юртга қайишаётган ХДП сафларида имони бут кишилар қанча кўп бўлса, мушкулимиз ҳам шунча осонлашади.

Умримнинг ярмидан кўпи деҳқончиликда ўтди. Звено бошлиғи сифатида хўжалик пахта хирмонига озми-кўпми ҳисса қўшдим, механизаторлик касбида ҳалол ишлашга ҳаракат қилдим. Ўнлаб шогирдлар тайёрладим. Озгина бўлсада, бошқаларга ўрнак кўрсатдим. Олган топшириқларим зиммамда қарз бўлиб қолиб кетмади. Меҳнатимга яраша ҳурмат топдим. Бу анъаналар изчил давом этмоқда.

Партиямиз Марказий Кенгаши Пленуми партия раиси Ислом Абдуғаниевич Каримовни Республика Президентлигига номзодликка кўрсатганлиги айни муддао бўлди. Биз бу қарорни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, Ўзбекистон халқи учун ҳеч ким қилмаган яхшиликларни қилди. Ана шунинг ўзиёқ унинг номзоди тўғри кўрсатилганлигини тасдиқлайди.

Т. ЭРМАТОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги звено бошлиғи.

БАРАКАСИНИ БЕРСИН...

Мирзачўл районининг «Ўзбекистон» давлат хўжалигидаги Ражаб Мустафоев, Абдураҳмон Қосимов, Эргаш Тошмуродов бошчилик қилаётган оилавий звенолар бу йил пахта тайёрлаш йиллик режасини хўжаликда биринчилардан бўлиб адо этишганди. Уч звенода ҳам ҳосил мўлжалдагидан анча кўп бўлди. Тинимсиз ҳаракатлар, сермашаққат меҳнат эвазига бу кичик жамоалар етакчиларининг ҳар бири ўртача 20 минг сўмдан даромад қилишди.

Ражаб бобо Мустафоевнинг мақсади бу пулга умр йўлдошига «Қаҳрамон она»лиги учун бериладиган машинани сотиб олиш эди. Бироқ уч йилдан буён навбатнинг биринчи рақамида туриб ҳам машина оломаётгани эсига тушиб, дили хуфтонлашди: «Эй, бермаса, беркитиб қўйишсин! Яхшиси армиядаги ўғлимни уйлантираман...»

У шу ўй билан кўнглига таскин берди. Бу унинг ўз фароғатини пулига машина олиб миншда эмас, балки фарзандлари, неваралари бахт-саодатини кўришда, деб билгани эди.

Абдураҳмон ака Қосимов йиллик даромадига янги иморат қурмоқчи бўлганди, лекин қурилиш материаллари муаммоси ҳам уни анча ташвишга солиб қўйди. Сўнгра бир икки йилдан кейин қурсам ҳам бўлади, деган фикрга келди, ноилож.

Эргаш звеночининг ҳам нияти Ражаб бобоникига ўхшаш. У бу йил бешинчи укаси Олимжонга келин туширмоқчи.

Ортда қолган сермашаққат меҳнатдан сўнг мана шундай ширин орзу-ҳаваслнинг кўпайиши кишини қувонтиради, албатта. Бироқ афсуски, уларни рўёбга чиқаришдаги муаммоларнинг кўплиги бир қадар ачинарли.

Ражаб бобо-ку бундай серташвиш кунларга илк бор дуч келаётгани йўқ. Бошидан не бир оғир кунларни ўтказган инсон. Қолаверса ўн икки фарзандидан олти қиз ва тўрт ўғлини уйлиожойли қилиб қўйган. Чўлга 1973 йили хўжалик ташкил бўлганида келганди. Мана, ёши олтмишни қоралабдики, ҳанузгача кетмонини елкасидан қўймайди. «Куч қувватим бор экан ишласам рўзғорим бут, бирим икки бўлар, менга бўлмаса топганим роҳатини фарзандларим, неваларим кўрар», деб эрта тонгдан қоронғи кечгача тиним билмайди. Кун бўйи пахтазорда юриб, кечқурун мол-ҳолига қараш билан овора бўлса-да, сира чарчадим демайди. Кампири ва келинларидан ҳам миннатдор. Ахир, улар ғўзани уч марта чопиқдан чиқариб беришди-да. Бунинг учун рўзғорга 2700 сўм пул келди.

Абдураҳмон Қосимов эса айни навқиронлик ёшида. Беш фарзанднинг отаси. Мана, ўн беш йил бўлибдики, ризқ-насибасини чўлдан териб юрибди. Звеносида 43 гектар ер бор. Укалари Абдуваҳоб, Зокир ҳамда бириккита яқинлари билан бирга ишлашади.

— Етиштирган ҳосилимиздан-ку, бир нави даромад қилдик. Бироқ эртанги кунни ўйлаб иш юритилса, кишининг ўзига яхши бўлар экан, — дейди Эргаш ака биз билан суҳбатда. Негаки, биз бу йил кўкламда шийпонимиз атрофига картошка, сабзи экиб қўйгандик. Ёзи билан-ку, керагича ишлатдик, ҳатто бугун ҳам рўзғоримиз тирикчилигига шулар асқотаётир. Бозорга чиқиб, фалон сўм турган сабзавотни харид қилганимизча йўқ. Насиб этса, ғамлаб қўйганимиз қишга ҳам етади...

Ушбу пахтакор оилаларнинг меҳнатда кўрсатган шижоати ва дуч келган муаммоларини бирма-бир таъкидлаяпману хаёлимда кечаётган баъзи ўйлар дилимга ғашлик солади. Яъни ўн икки фарзандни ўстириб, неваларнинг момоси бўлган 60 яшар аёлнинг далада кетмон чопиб, фалон сўм олганини айтиш ҳам ноқулайда, ахир?! Қишлоқдаги қиз-жувонларнинг кетмон чопишига-ку одатланиб қолдик. Аммо, кекса аёлларни кетмон чопишига нима мажбур қиляпти экан? Турмуш, тирикчилик, рўзғор ташвишлари, етишмовчилик, нархнаво қимматчилиги, хуллас, бозор иқтисодиёти шароитлари-ми? Ёҳуд «Ўзинг учун ўл етим» мақоли бугуннинг шиорига айлангани-ми?

Нима бўлганда ҳам, бу уч оилавий звено аъзоларининг меҳнатини қадрлагим, кўкларга кўтариб мақтагим келади. Негаки, улар далага шунчаки бориб келишмади. Номига кун ўтказишмади. Росмана меҳнат қилишди. Пайкалда тўпланиб қолган кўкламга сел сувини сирқиб чиқаришди. Ёзнинг жазирамасини соя-салқинда эмас, қуёш тиғида ўтказишди. Кузнинг серташвиш кунларини ҳам тинимсиз меҳнат билан енгишди. Қадрласак, шундай инсонларни қадрлайликда!

Қолаверса, ғарами бир қучоғу, баракаси бир тутам 20 минг сўм пул уларнинг оғир ва сермашаққат меҳнати эвазига топилган бўлса-да, ҳозирги шароитда бу пулларга бир рўзғорни бир йил тебратиб, бир тўй ўтказиб, ёки бир машина олиб бўларми-кан? Шу саволга жавоб топишимиз мушкул, холос.

Ш. РЎЗИЕВ
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲАЁТ

Бу йилги терим мавсуми аввалгиларига ўхшамади. Биринчи теримда машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 25 сўмдан тўланган бўлса, охирида, учинчи теримга келиб ҳар тонна терилган пахта учун ҳатто 100 сўмдан ҳам берилди. Бу ишлаган — тиншлайди, деган қоиданинг амалда рўёбга чиққани эди. Ушбу имкониятдан Абдураҳмон ака ҳам унумли фойдаланиб қолди. Яъни у «Мен звенога етакчи бўлсам, ишни ташкиллаштириб, ҳисобкитобни пухта юргизиб, ижарачиларим ҳақини хўжалик раҳбарларидан ажратиб олиб бериб турсам бўлди-да», деб қўл қовуштириб ўтирмади. Дарҳол механизатор укаси Абдуваҳобга қўшилди. Ўзи ҳам бир терим машинасининг рулига ўтирди. Терган пахтаси учун биринчи теримда нақд 3 минг сўмни, иккинчи ва учинчи терим якунида эса минг сўм санаб олди. Уйига олиб келдию, рафиқаси Мавлуданинг чопиқдан топган пулларига қўшиб қўйди. Ишқилиб яхшиликка буюрсин...

Эргаш Тошмуродов оилавий звеносида эса олти киши — ўзи, уч укаси ва икки амакиси ишлайди. Бу йил ҳосилдорлик гектарига 32 центнердан тушди. Режа барвақт ва ошиғи билан уддаланди.

АХБОРОТ

ҚИШЛОҚДА СУТ ЗАВОДИ

⊙ Қўриқдаги Оқолтин райони маркази Сардоба қўрғонида сут заводи барпо этилди. Ҳозирча корхона Гулистон шаҳар сут заводи филиали сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Яқин вақт ичида у мустақил корхонага айланади ва қўриқ район хўжаликлари чорвадорларининг йўлларини яқин, мушкулларини осон қилади. Улар ўз маҳсулотларини шу ердаёқ заводга топшириш имкониятига эга бўладилар.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

● Гулистон шаҳридаги 5-ўрта мактабда «Ўқитувчи —91» кўрик танлови бўлиб ўтди.

Унда шаҳардаги барча ўрта таълим даргоҳларининг 20 дан ортиқ вакиллари иштирок этдилар. Ҳамид Олимжон номли 3-ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиси Дилбар Бўтаева кўрик танловда биринчиликни олиб, вилоят марказининг энг малакали ўқитувчиси, деган фахрли номга сазовор бўлди.

УЛУҒ АЛЛОМА НОМИДА

● Гулистон шаҳридаги илгари «Коминтерн» номи билан аталиб келган марказий шох кўчага яқинда шаҳар кенгаши қарори билан Алишер Навоий номи берилди.

Маълумки мазкур кўча шаҳардаги кўзга кўринган гавжум катта йўллардан биридир. Унинг бир чети колхоз бозори ва темир йўл вокзалига туташган бўлса, иккинчи томони Киров номли каналга бориб тақалган. Яқинда бу кўчада Алишер Навоий хиёбони ташкил этилиб, унда улуғ мутафаккир ҳайкали ўрнатилган эди. Эндиликда деярлик икки чақиримга чўзилган ва шаҳардаги йирик корхоналар, иншоотлар бўйлаб ўтадиган бу кўча шаҳарнинг кўркам ва чиройли шох кўчасига айланиб бормоқда.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эл севган санъаткор, СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева асос солган «Баҳор» рақс дастаси қизлари анъанавий дастурни тиклаш ишларини ниҳоясига етказишди. Маълумки, ҳозир хизмат кўрсатган Давлат рақс дастасига шу жамоада камол топган моҳир раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева бошчилик қилмоқда. Раққоса қизлар ўз устозлари Мукаррама опа томонидан саҳнага қўйилган барча рақсларни яна саҳнага олиб чиқиш ниятида.

СУРАТДА: «Баҳор» қизлари хиром этмоқда.

Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ).

ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

ПРОКУРАТУРА ЭКОЛОГИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон махсус транспорт қурилиш бошқармасининг 15-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари Андижонсой қирғоғи бўйлаб сув қувурини ётқиздилар. Лекин ишни енгиллаштириш учун салкам уч гектар ердаги дарахтлар ва буталарни кесиб ташладилар, бу билан табиатни муҳофаза қилиш қонунини қўпол равишда буздилар. Советобод шаҳри прокурорининг даъвосига биноан атроф-муҳитга шафқатсизлик билан муносабатда бўлишда айбдор шахслар жавобгарликка тортилди. Ҳакамлик судининг қарорига мувофиқ механизациялашган кўчма колонна 12 минг сўм миқдорида етказилган моддий зарарни тўлади.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва табиатни асраш идораларининг 29 ноябрь куни бўлиб ўтган маҳкамалараро кенгашида табиатни муҳофаза қилиш қонунлари бажарилишини прокурор назорат этишига доир ана шу ва бошқа воқеалар келтирилди. Кенгашда вазирликлар, идоралар, саноат корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалик саноат комплекслари раҳбарлари қатнашдилар. Кенгашни республика прокурори Б. М. Мустафоев бошқарди.

Кўпгина минтақаларда хўжалик фаолияти натижасида атроф-муҳитга зарар етказилаётганлиги таъкидланди. Масалан, ўтган йили 267 миллион куб метр ифлос оқава сув тозаланмай сув ҳавзаларига оқизилди. Ерости сувларининг 20 фоиздан кўпроғи ичиш учун яроқсиз бўлиб қолди. Сувни муҳофаза қиладиган иншоотлар йиллаб чўзиладиган қурилишлар қаторига кирди — уларни қуриш учун ажратилаётган маблағнинг ярми ҳам ўзлаштирилмаяпти. Ҳавони булғатишда ҳам худди шундай вазият вужудга келди. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳавога чиқариб ташлаётган турли моддалар, жумладан зарарли моддалар бир йилда бир юз эллик минг тоннага етмоқда. Ҳолбуки, уларнинг миқдорини икки баравар камайтириш мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини барпо этишга режали асосда маблағ ажратиляпти, лекин қурувчилар бу маблағни йил сайин ўзлаштирмаётирлар.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузишга қарши кураш хўжалик ходимлари, экологлар, прокуратура ходимлари куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо этади. Кенгашда бу қонунга қатъий риоя этилишини назорат қилиб боришни кучайтиришга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунида «Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эгадир, унинг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан бир соҳибидир» дейилган. Демак, бу қонун барчамизни мустақиллик масъулияти ҳисси билан ишлаш ва яшашга чорлайди. Бироқ мустақил ҳокимият амалда ҳақиқий тартиб-интизом ва қонунларга оғишмай риоя қилинишига эришгандагина давлат қудратини юксалтиришга, сиёсати ва иқтисодиётини соғломлаштиришга эриша олади. Мустақил иш юрита бошлаган Республика Прокуратураси органлари ҳам ўз конституциявий ваколатларидан фойдаланиб, қатор вазифаларни бажариш билан бирга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини назорат қилиб бормоқдалар. Шулардан бири—бойлигимиз бўлмиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан териб олинган «оқ олтин»ни авайлаб-асраш, уни республика мустақиллиги ва равнақи йўлида ишлата билиш, талон-тарожликка, нобудгарчиликка йўл қўймасликни муҳим омиллардан бири деб билмоқда.

Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос В. К. Қосимов билан бўлган суҳбатимиз ҳам худди шу хусусда бўлди.

„ОҚ ОЛТИН"НИ КИМ АСРАЙДИ?

БОЙЛИГИМИЗ, МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МОДДИЙ ПОЙДЕВОРИ БЎЛМИШ ПАХТАНИ АСРАШГА НЕГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАЛЯПТИ?

— Вали Кабирович, айтингчи, 1991 йилда деҳқонларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини сақлаш, нобудгарчиликка, талон-тарожликка йўл қўймаслик учун Республика Прокуратураси умумий назорати бўлими қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Юқорида таъкидланганидек, халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларини умумий назоратимизга олганмиз. Текширувлар чоғида шу нарса аён бўлдики, республикамизнинг аксарият жойларида бу ишлар қониқарли йўлга қўйилган.

Ҳозирги иқтисодий танг ҳолатдан чиқишимизда бу жуда муҳимдир. Аммо, афсус билан айтиш керакки, беш қўл баробар эмас. Айрим жойларда етиштирилган мўл ҳосилнинг исроф бўлишига, талон-торож этилишига, яхши сақламасликка йўл қўйиляпти. Жумладан, айрим жамоа ва давлат хўжаликларида лоқайдлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлик оқибатида далаларда йиғиб-териб олинган дон маҳсулотлари нес-нобуд қилинган. Чунончи, Жиззах, вилоятининг Пахтакор районидаги «Самарқанд» давлат хўжалигида 10 тонна ғалла минерал ўғитлар билан аралашиб кетган. Шу ноҳиянинг Кичанов номли давлат хўжалигида 30 тонна уруғлик дон омборхонада цемент билан қоришиб ётгани аниқланди.

Шунингдек, етиштирилган дон маҳсулотларини очиқ ва ёмон асфальтланган, қум-шағал аралаш, ифлос майдонларда сақлаш ҳолларига Тошкент вилоятининг Пискент, Оҳангарон районлари хўжаликларида ҳам дуч келинди. Ҳозирги кунда маккажўхори донининг ҳам айрим хўжаликларда ана шундай аянчли ҳолда сақланаётгани ачинарли ҳолдир. Сурхондарё вилояти Олтинсой райони К. Маркс номли давлат хўжалигида 14,7 тонна ғалла ёнғин оқибатида нобуд бўлган. Натижада хўжаликка 10,700 сўм зарар етган. Ана шундай лоқайдлик туфайли Қашқадарё вилояти Ғузор районидаги «Рассвет» давлат хўжалигида ҳам ёнғин юз берди. Текширувда аксарият хўжаликларда дон маҳсулотларини ёнғиндан сақлаш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги, омборлардаги ўт ўчириш жиҳозлари ишга яроқсиз ҳолда ташлаб қўйилганлиги маълум бўлди.

Ўз мустақиллигини белгилаб олган республикамизда бугунги иқтисодий тангликни ҳис қилмайдиган масъул ва раҳбар шахсларнинг бундай бепарволиги халқ хўжалигига қимматга тушмоқда.

Шуниси ачинарлики, оғзида республика мустақиллигини қуруқ маъқуллаб, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, қонунларга оғишмай риоя этиш зарурлиги ҳақида сафсата сотиб юрган айрим масъул ва раҳбар шахслар халқ қийналиб турган бир пайтда ҳам жамоат ва давлат мулкини ўғирлашдан ўзларини тия олмаяптилар. Чунончи, Сурхондарё вилояти Узун райони Ленин номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти С. Норсоатов ўз мансабини суиистеъмол қилиб 800 килограмм ғаллани ўғирлагани, Сариосиё райони «Қизил Шарқ» жамоа хўжалиги бригадири Х. Турсунов ҳисобчи Х. Хаитов билан 2400 килограмм нўхат, 860 килограмм мош, 1800 килограмм сабзавот маҳсулотларини ўмарганларга чек қўйишга ёрдам берди, десам муболаға бўлмайди.

Бироқ шу билан бирга айрим хўжаликлар тайёрлов пунктларининг, пахта заводлари раҳбарларининг пахта йиғим-теримини сифатли ўтказиш, ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ишларига панжа орасидан қараганликлари учун кўпгина камчиликларга йўл қўйилди ва қўйиляпти. Оқибатда йиғилган ҳосилнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келяпти.

Пахта йиғим-терими мавсумида Фарғона вилоятидаги Охунбобоев райони «Намуна» жамоа хўжалигининг кўпгина пахта хирмонлари вақтида ремонт қилинмади, ёнғинга қарши жиҳозлар билан тўла таъминланмади. А. Тўраев бошлиқ 5-бригадада пишмаган, хом пахтани териш ҳоллари аниқланган бўлса, А. Ғаниев бошлиқ 8-бригадада пахта ўта сифатсиз терилди, тўкилган-сочилган пахталар ерда қолиб кетди, оёқ ости қилинди. Пахтанинг нес-нобуд бўлишига пахта териш машиналарининг носозлиги ҳам кўп сабаб бўлди. Масалан, Тошлоқ районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида 4 гектар майдондаги пахта носоз машина ёрдамида терилиши натижасида 2 тонна пахта, яъни 5370 сўмлик маҳсулот ерга тўкилиб, ўзининг товар кўринишини йўқотди.

Бундай хўжасизлик ҳолларини Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, ва бошқа вилоятларнинг қатор хўжаликларда ҳам кузатилди. Минг афсуски, ўша пайтда Фарғона ва Хоразм вилоятларининг айрим хўжаликлари пахтазорлари мол боқиш майдонига айланиб кетди. Чунончи, Боғот районида шу каби 13 ҳолат қайд этилди. Наримонов номли, Навоий номли, «Хоразм» ва «Ленинград жамоа хўжаликларининг пахта майдонлари мавсум сўнгида ўтлоқ сифатида сигирларга хизмат қилди. Оқибатда қанчаданқанча пахта нобуд бўлди.

— Маълумки, кўпгина пахта пунктлари ва заводларнинг ёнғинга қарши асбоб-ускуналари яроқсиз ҳолга келган. Менимча, республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу нарсага аҳамият бермаётган кўринади. Ваҳолонки, пахта пунктлари ва заводларини ёнғинга қарши асбоб-ускуналар, мосламалар, жиҳозлар, қўйингчи, техника билан таъминлаш мазкур вазирлик вазифасига киради-ку!..

— Жуда тўғри, текширув чоғида биз ҳам бунга амин бўлдик. Масалан, Дўстлик, Қоракўл, Октябрь, Узун, Наманган ва бошқа пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида ёнғинга қарши мавжуд мосламалар яроқсиз ҳолга келган. Сув қуйиш ҳавзаларида ҳатто сув ҳам йўқ. Қутиларда қум кўринмайди.

Пахтакорларимизнинг не азоб-уқубат билан етиштирган ҳосили кўпгина пахта пунктларида оёқ-ости бўлиб чириб кетаётганига ачинасан киши. Ахир «Биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаймиз, бизнинг пахта, олтинимиз бор», деб, кўксимизга уриб турган бир пайтда бундай хўжасизлик билан келишиб бўладими? Йўқ, албатта!

Надоматлар бўлсинки, айрим масъул кишилар кўрилаётган чора-тадбирлардан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Оқолтин районидаги «Сардоба» пахта заводида ҳар бири 200—300 тонналик 3 та бунт тўғридан-тўғри ерга, тупроққа бир-бирига яқин ҳолда жойлаштирилган. Сабаби, жой тор эмиш. Устига-устак ёрдамчи биноларда «қўлбола» иситгичлардан фойдаланиляпти, ёнғинга қарши жиҳозлар етишмайди. Завод директори К. Искандаров, омбор мудири М. Мингбоев тезда бундан тегишли хулоса чиқариб олмоғи лозим. Акс ҳолда...

Бахтдаги «Гулистон» пахта заводида бунтларнинг нотўғри жойлашуви оқибатида 3 тонна пахта тупроққа қорилиб ётибди, ўтган-кетган тракторлар босиб, янчиб ташлаган. Ёнғинга қарши қондаларга риоя қилинмаган. Худди шундай ёнғинга қарши қондаларга риоя этилмагани учун Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалигида 251 килограмм пахта ёниб кетган. Боёвут районидаги «Восход» пахта тайёрлов пунктида эса 159 килограмм «оқ олтин» кулга айланган. Хуллас, биргина шу вилоятнинг ўзида октябрь ойигача шундай 4 та ҳолат қайд этилди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, ҳозир республикамизнинг кўпгина пахта тайёрлов пунктлари (омборлари) ва заводларида «оқ олтин»ни сақлашни рисоладагидек деб айтишга асос йўқ. Ҳолбуки, моддий бойлигимиз, бободеҳқоннинг пешона тери ҳисобига уюлган улкан хирмонимизни қиш-қировли кунларда яхши, сифатли сақлашимиз, унинг товар кўринишини йўқотмаслигимиз ўта муҳимдир.

Ўйлаймизки, бундан республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги масъул ўртоқлар тегишли хулоса чиқариб оладилар ва зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири Тўхтамурод ТОШЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МУАММОЛАР ЕЧИМИ — ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Сизни маҳаллий ва чиқинди махсулотларидан бинокорлик ашёлари ва буюмлари олиш жараёни қизиқтирса...

Сизда қурилмоқчи бўлган ва фойдаланилаётган биноларни зилзилага бардошлиги ҳақида шубха пайдо бўлса...

Сизга қурилиш ишлаб чиқаришини бозор-иқтисодиёти даврида уюштириш борасида йўл-йўриқлар керак бўлса...

Сизни қурилишни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш масалалари қизиқтирса...

Сизга биноларни иссиқлик, сув, газ ва оқоваларни чиқазиш тармоқларини ҳисоблаш зарур бўлса...

Сиз учун кичик корхоналар цехлари, маъмурий бинолар лойиҳаси керак бўлса...

Сизнинг биноларингизни ташқи (фасад) ва ички (интерьер) жиҳозларини безаш зарурияти бўлса...

Сизни оқоваларни тозалаш ва қолдиқлардан унумли фойдаланиш жараёни, ҳамда заҳарли чиқиндиларни меъёрий миқдорини (ПДК) аниқлаш қизиқтирса...

Қурилиш техникаси соҳасидаги мутахассисликлар бўйича (05.23.01; 05.23.05; 05.23.02; 05.23.17) диссертация ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз...

МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ ОЛИЙГОҲИ СИЗГА МУНОСИБ МАСЛАҲАТДОШ

Юқори малакали мутахассислар ва олимлар қайд этилган ва бошқа муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиб берадилар.

Унутманг илм-фан билан ҳамкорлик Сизнинг муваффақиятингиз гаровидир.

Керакли маълумотларни олийгоҳдан олишингиз мумкин, манзилгоҳ: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 41-80-02, 41-11-73.

Бозор учун, рақобатлашишга қобил маҳсулот чиқариш учун кескин кураш кетиши муқаррар бўлган бозор иқтисодиёти шароитларида ишсизликнинг ортиши ва самарасиз корхоналарнинг синиши ва бунинг оқибат-натижаси сифатида раҳбарият ва бутун жамоанинг ишида уларнинг ўз меҳнатларига бўлган эҳтиёжнинг йўқолиб, беиш қолиш хавфи келиб чиқадиган асабий тангликнинг юз бериши муқарардир. Ана шундай вазиятда биз кафиллик бераётган суғурта пули Сиз учун бирдан-бир мадад бўлади.

БУГУНГИ СУҒУРТА — КЕЛАЖАККА БЎЛГАН МУСТАҲКАМ ИШОНЧ ДЕМАКДИР!

(Москва шаҳри)

Корхона, ташкилот, муассаса ҳар қандай сабабга кўра тугатилган ҳолларда суғурта хизматларини кўрсатишни тавсия этади ва бунда суғурта қилдирилган шахсларнинг бахтсиз ҳодиса натижасида ногирон бўлиб қолиш ҳоллари қўшимча суғурта билан таъминланади.

Сиз суғурта омонатини бизнинг ҳисобимизга ўтказар экансиз, корхона, ташкилот, муассасангиз ҳар қандай сабабга кўра ҳуқуқий жиҳатдан тугатилган тақдирда ўз ходимларингизга Сизга тегишли бўлган суғурта пулларининг нақд тўланиш кафолатини таъминлаган бўласиз.

Мабадо корхонангиз самарали бўлиб, бозор тўлқинларида омон қолгудай бўлса, йиллик 9 фоизга ошган суғурта пули (банк ва расмийлаштириш хизматлари ҳақини чегириб ташлаганда, албатта) Сизнинг ходимларингизнинг банк муассасаларидаги шахсий ҳисобларига ўтказилади.

Сиз бугуннинг ўзидаёқ биз билан шартнома тузинг — бу билан Сиз ўзингиз ва ходимларингизнинг кўнглига хотиржамлик бағишлайсиз!

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ!

Тошкент шаҳридаги мулоқот телефонлари: 45-91-76, 45-82-40, 45-82-36.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ **лабораториялар бўйича БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

катта илмий ходимлар, картошка селекцияси ва уруғчилиги, муҳофазаланган замин.

Танлов муддати — 15 декабргача.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, «Кўксарой» алоқа бўлими (474, 487-автобусларнинг «Илмгоҳ» бекати).

Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/XII да — **Зебуннисо,** 4/XII да — **Севги тумори,** 5/II да — **Фигаронинг уйланиши,** 6/II да — **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XII да — **Афандининг беш хотини,** 4/XII да — **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома,** 5/XII да — **Мирзо Улуғбек,** 6/XII да — **Жонимни ол, жонгинам.**

●

Рўзномамизнинг 29 ноябрь сонида «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясидан» сарлавҳаси билан босилган эълоннинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолиги (академиклик)га номзодлар рукнидаги деҳқончилик-саноат мажмуини математик моделлаштириш мутахассислиги бўйича ҳақиқий аъзоликка номзод Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович ўрнига **ҒУЛОМОВ Саидасрор Саидаҳмедович** деб тузатиб ўқилсин.

Археология институти жамоаси Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг вице-президенти И. Искандаровга отаси

Искандар МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги «Узплодоовошьинпром» Концерни аппарати жамоаси Концернинг масъул ходими Т. О. Обидовга отаси

Олимжон ОБИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси «Билим» жамияти Бошқаруви Раёсати раёсат аъзоси, жумҳурият Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. И. Искандаровга отаси

Искандар МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Акционерлик-тижорат саноат-қурилиш банки Меҳнат бўлинмаси жамоаси «Меҳнат» бўлинмасининг бошқарувчиси С. Х. Муҳитдиновга отаси

Ҳуснитдин МУҲИТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат адабиёт музейи жамоаси «Ёзувчи» нашриётининг бош муҳаррири, филология фанлари номзоди **Асқарали ШАРОПОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг муҳандис-электриги Н. Лутфуллаевга онаси

Ойша ЛУТФУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб.) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6481

№ 233

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.50. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.